

ТАСДИКЛАЙМАН

Тошкент шаҳар 7-сонли киёнинг

шифохонаси бонлиғига  К.Мухамадиев

2022 йил



Лифт куриш ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ Танлаш хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлаш иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛАШ ПРЕДМЕТИ

1. Танлаш предмети: Шаҳар 7-сон клиник шифохонаси З каватли бинога лифт урнатиш.

1.2. Ишларни бажариш муддати:

Шартнома имзолангандан сўнг 10 иш куни давомида буюртмачи томонидан кўрсатилган манзилларга тўлиқ урнатиб беришни таъминлаш.

1.4 Ишларни бошлаш муддати- шартнома Фазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг томонларнинг келишувига асосан 10 кун муддат ичida бажарилиши шарт. (бунда: обҳаво ёки шунга ўхшаш ҳолатлар ўрганилади).

2. ТАНЛАШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Тошкент шаҳар 7-сон килиник шифохонаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлаш ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Тошкент шаҳар Юнисобод дахаси Ғайрати кўчаси.

2.2. Танлаш “Буюртмачи” томонидан танлаш ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлаш Тошкент шаҳар 7-сон килиник шифохонаси - “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлашда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган

ташкилотлар ҳамда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркорлар)лар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танлашда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуилади:

танлаш предмети қийматининг камидаги 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқукий лаёқат ва ваколатлар; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлаш предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлiği мавжудлар.

4. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танлашлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлаш учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар

“Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлаш хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва етказиб бериладиган махсулотлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, танлаш шартларида белгиланган нархлар доирасида, махсулотларни етказиб бериш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

• Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

• Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлаш иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари түгрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлаш иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва түгрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлаш хужжатларига ўзгартишлар киритиш түгрисида танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида уч кунга узайтирилиши керак. Шу билан ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида уч кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш түгрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлаш иштирокчиси танлаш хужжатлари қоидаларини танлаш ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлаш хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танлашнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлаш натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш түгрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлаш натижалари бўйича шартнома танлаш хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.